

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

28. Халқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш маданиятини оширингиз, меҳнатни нарийн ташкил этишни ва илғор тажрибани кенг жорий қилингиз! Иш вақтининг ҳар минутидан тўлароқ фойдаланиш учун, ҳам ашё ва материалларни тежаш учун курашингиз!

29. Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари ва техниклари! Фан-техника тараққиёти суръатларини жаддалаштириш учун актив курашингиз!

30. Савдо ва коммунал-маиший хизмат ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини бутун чоралар билан оширингиз, совет кишиларининг талабларини тўлароқ ва яхшироқ қондирингиз!

31. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъати партиявийлиги байроғини баланд кўтарингиз, бутун куч ва қobiliятингизни коммунизм қурувчиларни тарбиялашга сарф қилингиз!

32. Маориф ходимлари! Халқ маорифини бутун чоралар билан такомиллаштирингиз! Меҳнатқашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашингиз!

33. Соғлиқни сақлаш ва физкультура ходимлари! Аҳолига медицина хизмати тақомиллаштирингиз! Мамлакатда оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантирингиз!

34. Коммунистлар! Меҳнатда ва жамоат ҳаётида илғорлик ролини шараф билан бажарингиз, КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш учун, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашда омманинг актив таъкилотчилари бўлингиз!

35. Ингит ва қизлар! Марксизм-ленинизм назариясини, фан ва техника чўққиларини кўнгил билан эгаллангиз! Революцион идеяларга содиқ бўлингиз!

36. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини қизгин севингиз, яхши ўқингиз, меҳнатни ардоқлангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрлангиз!

37. Ишчилар синфи ва барча меҳнатқашларнинг жанговар марксизм-ленинни авангарди, империализмга қарши, инсониятнинг порлоқ орзуси — коммунизмни ер юзиде қарор топдириш учун забардаст курашчилар бўлган коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик салом!

38. Бутун жаҳон коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм асосида мустақамлаанаверсин! Пролетар интернационализм байроғини баланд кўтарайлик!

39. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик салом! Халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси, антиимпериалистик курашда ҳал қилувчи куч бўлган жаҳон социалистик системаси ривожлансин ва мустақамлаанаверсин!

40. Социалистик мамлакатларнинг меҳнатқашлари! Дўстлик ва бирлиكنи мустақамлаш учун, қардошларча ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун курашингиз! Социализм душманларининг кирдикорларига нисбатан хушёр бўлингиз!

Пролетар интернационализм байроғини баланд кўтарайлик!

41. Барча мамлакатларнинг меҳнатқашлари! Тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун буюк ва олижаноб курашга активроқ қўшилингиз!

42. Капиталистик мамлакатларнинг монополистик капиталга қарши меҳнатқашларининг сиёсий ва социал-иктисодий ҳуқуқлари учун, социалистик идеаллар тантанаси учун филокорона курашаётган ишчилар синфига қардошлик салом!

43. Мустақамлаачилик зулми кишанларини парчалаб ташлаган, суверенитетни мустақамлаш

учун, социал тараққиётнинг прогрессив йўли учун курашаётган халқларга қизгин салом!

44. Империализм ва ирқчиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган мустақамла ва қарам мамлакатларнинг халқларига қизгин салом!

45. Социалистик мамлакатларнинг халқлари, капитал мамлакатларидаги пролетарлар ва барча демократик кучлар, озод бўлган ва мазлум халқлар, империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун умий курашда бирлашингиз!

46. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

47. Капиталистик ва мустақамлаачилик асоратига қарши, халқлар озодлиги учун, социализм учун курашиб, турмаларда ва фашист эшонларида азоб тортаётган мардона курашчиларга қардошлик салом!

Капитал маҳбустларига озодлик!

48. Америка империализмининг агрессиясига қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган мард Вьетнам халқига қардошлик салом!

49. Жаҳон халқлари! Эркесвар Вьетнам халқига қарши агрессив урушни дарҳол тўхтатишни, АҚШ ва унинг ғушталарининг ҳамма қўшинларини Жанубий Вьетнамдан батамом ва сўзсиз олиб чиқиш кетишни Америка Қўшма Штатларидан қаттиқ талаб қилингиз!

50. Европа мамлакатларининг халқлари! Жаҳон халқлари! Германия Федератив Республикасидаги реваншизм ва янги фашизмга қарши, бутун Европада хавфсизлик ва тинчликка таҳдид солаётган Ғарбий Германия милитаристларининг

ядро қуролини қўлга киритишларига қарши курашингиз!

51. Европа мамлакатларининг халқлари! Европада коллектив хавфсизлиكنинг самарали системасини вужудга келтириш учун, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлиكنи ривожлантириш учун курашни кучайтирингиз!

52. Жаҳон халқлари! Исродининг Яқин Шарқдаги агрессиясини тўхтатишга, Исроил қўшинларини оккупация қилинган араб территорияларидан дарҳол чиқартириб юборишга эришингиз!

Совет халқининг араб мамлакатлари халқлари билан бирдамлиги мустақамлаансин ва ривожланаверсин!

53. Жаҳон халқлари! Ядро, химия ва бактериология қуролининг ҳамма турларини тақиқлашни талаб қилингиз! Елпасига ва батамом қуролсизланиш учун, халқаро хавфсизлиكنи мустақамлаш учун курашингиз!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, реакция ва урушга қарши курашда барча антиимпериалистик тинчликсевар кучларини жиплаштириш сиёсати!

55. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахт-саодатининг мустақам қалъаси, тинчлик ва тараққиётнинг ишончли таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

56. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янгидан-янги ғалабалар сари, олга!

57. Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ келажиги — коммунизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Йиллик план бажарилди

Янгийўл районидан «Чиноз» совхоз-техникумининг меҳнатсевар чорвадорлари аҳолига мўл-ўл чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш учун курашда бориб, улкан меҳнат заҳарини қўлга киритдилар. Хўжалик давлатга ўш етказиб бериш йиллик планини муддатидан илгари 119,7 процент қилиб адо этди.

Меҳнатсевар бўрдоқбўрлар эл дастурхонига 3807 центнер ўш етказиб бердилар. Бу пландан 627 центнер орттиқдир. Ўш учун давлатга тоширилган ҳар бир бош қорамолнинг тирик вазни ўртача 450 килограммдан тош босди.

Бундай улкан ютуққа молларни бўрдоққа бонининг намунали ташкил этиш туфайли эри-

шилди. Совхоз-техникум бўрдоқбўрларини ҳар бир молни бир кунда ўртача 750—800 граммдан семиртиришга муваффақ бўлдилар. Халил Хайдаров, Клавдия Думлер, Саил Қурбонов, Аялар Сайфутдинов сингари молбўрлар эса бўрдоққа ажратилган ҳар бир молнинг бир кунда 800—850

грамм семиртиришни таъминладилар.

Совхоз-техникум чорвадорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, яна давлатга 450 центнер семиз ўш етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Улар бу юксак ваъданинг устидан чиниш учун 270 бош қорамолни бўрдоққа ажратдилар.

Д. ПЕИСЕНОВ.

ПАХТАЗОР МАРДЛАР МАЙДОНИ

Пахтакорлик — ота наъсимиз. Асосий даромад манбаимиз ҳам пахтадан. Хўжалигимизда пахтачиллик йил сайин юксалиб бормоқда. Эришган ютуқларимизнинг боиси партия ва ҳукуматимизнинг биз деҳқонларга қилаётган чексиз ғамхўрлигидандир.

Хўжалигимиз ҳар йили янги техника билан тўла таъмин этилган. Бу имкониятлар туфайли пахтачиллигимиз комплекс механизацияланган. Эришган ютуқларимиз, ҳар йили пахта етиштиришдаги асосий ишлар механизацияланган. Ўш етказиб бериш маҳсулотини давлатга 11600 тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Шундан 10 минг тоннага яқини машиналар бунеридан тўрилди.

Машхур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Гагарин районидан «Советобод» совхозининг бригада бошлиғи Шоймардан Қудратов барча дала меҳнатқашларига «Пахтакор», жасорат кўрсат» деб мурожаат қилди. Уста механизаторнинг ваъдаларини ташаббуси барча пахтакорларнинг ғайратига ғайрат кўшди. Бу йилги оғир шароитда ҳам мардонавор меҳнат қилиб пахта хирмонимизни аъло сортли «оқ олтин» билан тўлдирингиз чорладим.

Бу йил хўжалигимиз меҳнатқашлари ҳар йилгидек самарали

меҳнат қилишди. Табиат қийинчиликларини мардонавор енгишди. 4175 гектар пахта майдонимизда кузлангандек ҳосил тўпладим. Бу йил ҳар гектар пахта майдондан пландаги 28,3 ўрнига 31 центнердан пахта ҳосилин кўтариб, давлат қабул пунктларига 12800 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. «Ваъда вафоси билан ғўза» дейишда ҳалқимиз. Хўш, биз ана шундай юксак ваъдаимиз устидан чиқиш учун нима-лар қилдимиз?

Бу йил пахта йиғим-терими ай-тиш мумкин, роппа-роса бир ой кечинди. Хўжалигимизда теримга пухта тайёргарлик кўрилди. Дефолиацияни сифатли ўтказдик. Ҳар бир пахта майдони бизда комиссия иштирокида қабул қилиб олинган. Техника пухта ремонт қилинган, 120 пахта терим, 40 дона кўран тарадиган, 60 та подборшчии, 336 та автоприцеп, 10 та пахта ортчим, 30 та кўрак қувийдиган техникага эгаимиз. Уларнинг ҳаммаси август ойидан тахт қилиб қўйилган.

120 терим машинаси бепоев пахтазорларимизда тинимсиз ишлаб турпти. Ҳозир ҳар бир механизатор, ҳар бир ишчининг: фикри-сири мўл ҳосилни ўз раётида, ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олишга қаратилган. Бизда асосий ҳосил машинада терилди. Ленин, шунга қарамай, хўжалигимиз ишчи-хизматчилари ўз

ташаббуслари билан далага отлангилар. Ҳозир 450 дан орттиқ ишчи, ҳосил йиғим-теримда иштирок этмоқда, 2200 дан орттиқ халқаро бизнинг оғиринишчилар энгил қилишда монотонли кўрсатишмоқда.

Биринчи бўлимининг моҳир механизатори Эрнест Эбасан машинада дастабил турт кун ичиде 41,5 тонна, 5-бўлимдан Субҳи Чачи 38 тонна, Ибодулло Хусанов 28 тонна пахта терди. 1-бўлим механизатор-хайдовчиси Ибрагим Акбаров эришган ютуқ ана ҳам қувончли. У дастабил турт кун ичиде агрегати бунеридан 45,5 тонна «оқ олтин» тўпди. Бундай илғорлар номини, кўлаб келтириш мумкин. Механик-хайдовчиларнинг моддий маънафдорлигини ошириш мақсадида биз уларга нўйидагича ҳақ тўлаш лозим топдим. Смена нормасини бажарган механизатор-хайдовчига 5 сўм ҳақ тўлаймиз. Агар у биринчи класс тракторчиси бўлса 10 процент ўшмиша ҳақ тўланади. Шунингдек, 25 сентябрдан 25 октябрга яна ҳар бир механизаторга 30 процент ўшмиша ҳақ тўлашга нелишдим.

Хўжалигимизда ялли ҳосил қопланорси ташланади. Транспорт тракторларида ишловчи механизаторларга иш ҳақи қўйидагича: 6 километргача ўзониқдан пахта ташинган механизаторга бир норма 14 тонна, 6 километргача ўзониқдан пахта ташинган механизаторга

торга бир норма 12 тонна, 10 километргача ўзониқдан пахта ташинган механизаторга бир норма 9 тонна, 10 километргача ўзониқдан пахта ташинган механизаторга бир норма 7 тонна қилиб белгиланди. Нормани бажарган ҳар бир механизатор 3 сўм 20 тишин ҳақ олади. Шунингдек, механизаторларнинг йиласига 20 декассига 10 процент ўшмиша ҳақ тўланади.

Пахта йиғим-теримда қатнашаётган механизаторларга техника хизмати кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёқилги тўғри далага келтирилди. Ҳар бир бўлимда кўма устасхона маънуд. Улар машиналарнинг бензосин ишлашнинг тўла таъмин этишди. Механик-хайдовчилар терим даврида бепул иссиқ овқат билан таъмин этилди.

Хўжалигимиз меҳнатқашлари доҳимиз В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини муносиб нутб олиш учун бутун имкониятларни ишга солидилар.

З. МАХСУМОВ,

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тақрибда хўжалиги директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты.

Х. ГОФУРОВА,

партия комитети секретари, В. П. БАКУЛИН, бош агроном.

ЖАМБУЛЛИКЛАР СУРЪАТНИ ОШИРМОҚДА

БЭКА («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Жамбул номли колхознинг уста пахтакорлари бу йил ўзларига қарашли 775 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилганлар.

Колхоз деҳқонлари бутун ёз бўйи ана шу ҳосилни тўлаш учун даладарда зўр уюшқонлик билан меҳнат қилдилар.

Колхоз пахтакорлари йиғим-терим ишларини ҳам районда бириктирилган ҳама бўлса юбордилар. Хўжаликдаги бор техника ва ишчи кучи йиғим-терим ишларига бунйўла сарфлар этилди.

Йиғим-теримда Мардон Чориев бошлиқ бригада деҳқонлари пешнадамлик қилмоқда. Бу бригада азаматларининг уюшқонлиги кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари туфайли ҳар кун колхоз хирмонига йиллик пахта тайёрлаш планига 4—5 проценти миқдорда ҳосил топиришмоқда.

128 гектар ерга деҳқончилик қилаётган коллектив аъзо-

лари олинандан ҳосилни 35 центнерга етказиш учун астойдил курашмоқдалар.

Шунингдек, колхознинг Илдош Эргашев, Эргаш Азимов, Омон Рустамов бошлиқ бригада ва звано пахта даладарига ҳам терим ишлари тез суръатлар билан олиб бориляпти. Шу кунгача йиллик пахта тайёрлаш планини 80 процетдан ошириб қўйдилар.

Эргаш Азимов ва Омон Рустамов наб моҳир механизаторлар шу кунгача хирмонга 60—70 тоннадан «оқ олтин» тўпиди. Улар мавсумда 150 тоннадан ошириб пахта териб бериш мажбуриятини олганлар.

Колхоз деҳқонлари беш йилликнинг туртинчи йилида планда белгиланган 1775 тонна ўрнига 2325 тонна ҳосил етказиб бериш, ана шу ҳосилнинг 1500 тоннасини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган.

Ҳар кун эл хирмонига йиллик планининг 4—5 проценти миқдорда «оқ олтин» тўпилади.

«ЎЗБЕКИСТОН СУВ ОМБОРЛАРИ»

Пахтадан юқори ва мўл-қўл ҳосил етиштириш учун аввало сув проблемаси қатта ўрин тўтади. Шунинг учун кейинги йилларда Ўзбекистонда сув омборлари қуришни ишлари яхши йўлга қўйилди.

Йилда «Ўзбекистон» нашриёти М. Қориевнинг «Ўзбекистон сув омборлари» номли китобини нашр этди. Китобда Ўзбекистоннинг табиий шароити, сув ресурслари ва дарёларининг хўжалик аҳамияти ҳақида қисқача баён этилди. Сирдарё, Зарафшон, Амударё ва Қашқадарё дарёлари системаларида қурилган ҳамда қурилаётган сув омборлари, шунингдек гидротехника иншоотлари бирма-бир таърифланади ва дарё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш масаласига алоҳида ўтказиб ўтилади.

Бундан ташқари сув омборларининг ирригация, аэрогетива, баллиқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, айниқса дарёлар оқимини тартибга солиш ва тоқийи ҳамда сел сувларига қарши кураш олиб боришдаги роли кенг ёритилган.

А. НУРБОБОВ.

Олимлар — пахтакорларга

Қуш-кеча пойтахт олий ўқув юрлари олимларидан қатта гуруҳиаси областнинг пахтакор районларига жўнаб кетдилар. Улар «оқ олтин» йиғим-теримда иштирок этаётган меҳнатқашлар ўртасида республика партия ва ҳукуматининг мурожаати, коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро Кенгаши материаллари юзасидан тушунтириш ишлари олиб бордилар, тематик лекциялар ўқишди, савол-жавоб кечалари ўтказишди.


Пахтакорлар ҳузурига отланган олимлар орасида Тошкент Давлат унйверситетини ва педагогика институтининг доцентлари, фан кандидатлари А. Қўқонбоев, Ж. Ахроров, А. Ҳамроева, А. Эргашев, А. Каримов ва бошқалар бор.

Ш. ТУЛАГАНОВ

Тошкент област партия комитетининг лектори.

ПАХТА даладарига кечалоқ, кундуз тинимсиз ишлаётган «зангори нома» капитанлари суръатни оширишмоқдалар. Янгийўл районидан «Интернационал» колхози даладарига ҳам машина терими жадал олиб бориляпти. Хўжалик пахтакорлари бутун имкониятлардан тўла фойдаланганликлари туфайли йиғим-теримда яхши нўрсаткичларга эришмоқдалар. Суратларда: (юқоридан пастрга) илғор звано бўлиғи Умурзоқ Бухорбоев машина рулини моҳирлик билан бсшқариб, кунлик нормани ошириб адо этмоқда. Ана шу звано даласида машина терими пайти. Терилган пахталар махсус механизм ёрдамида прицепларга юкланмоқда.

А. Абалли фотолари.



Жўра Ашуров, ўрта Чирчиқ районидан Охунбоев номли колхознинг шп, ишчан механик-хайдовчиларидан. У ўз машинасини жоғири билан бошқариб, кундалик терим нормасини тўла ва ошириб бажариш учун курашаётир. Бу меҳнатсевар йиғимнинг шу кунгача терилган пахта 60 тоннадан ошиб кетди. У қудай фўрсаддан унутили фойдаланиб, ўз зинмасига олган мажбуриятини ошириб адо этиш учун курашаётир. Суратда: Жўра Ашуров.



ШАРАФЛИ БУРЧ

Актив ййғилиши муҳокама в
линган масала юзасидан қар
қабул қилди.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ф. ИСАЕВ,
И. РУСТАМОВ.

18 йиллик турма жазосини ўтаган Стефанос Ландиснинг узлими бундай оқил эълош билан унинг учун бевосита сабаб бўлиб, Ландис оғир касал бўлиб, узоқ ваqt ётгандан кейин турмуш-ғоситиларида вафот этди. Эълош қилинган оқил хунта туққунларнинг маъбусларга нисбатан тагин ҳам шайқастчи қоразар жорий этилишига берган жавоб бўлди.

Афина газеталари нинги «ишончли манбаъларга асосланб хабар беришчи, Салоники, Патра ва Лариса ишчи шаҳарларида ҳар бири 360 маъбусга муҳаллаланган йиряк қамоқхоналари шомилли равишда қуришга киришилган.

Ғарб ағентликларининг хабарларига кўра, аҳолининг турли қатламлари орасида хунтага қарши бўлган кишиларни қамоққа олиш давом эттирилмоқда. Турмаларни қўяйотириш ва кенгайтириш ани шунинг учун ҳам зарур бўлиб қолган.

«Қора полковниклар» грек ҳаққининг жирканч диктатурани

Бу ҳақда редакцияга район иж-
роия комитети раиси ўринбосари
ўртоқ Х. Аҳмедов яқинда хабар
берди.

да. Турмаларни қўпайтириш ва кенгайтириш ана шунинг учун ҳам зарур бўлиб қолган.

Грек демократлари билан
бирдамлик совет комитети

Casey

Н. Кудряшов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

.....



ГРАЖДАН МУДОФААСИ МАШҚИДА

Яқинда Куйбишев район граждан мудофааси штабнинг «дўшман» ҳужуми ҳақида бўлган жойлардан меҳнаткашларни эвакуация қилиш борасида ўқув машқлари бўлиб ўтди.

Эвакуация пункти сифатида 71-мактаб биноси танланди.

Машқларда шаҳар, барча район граждан мудофааси штаб бошлиқлари, мактаб, муассаса ходимлари иштирок этдилар. Ўқув машқлари бошлангич, район граждан мудофааси штабнинг бошлиги Иман Космаев билан эвакуация пунктнинг бир-ма-бир айланиши.

—Мана бу ерда кишилар рўйхатга олинади,— дейди штаб бошлиги кирил лентга боғлаб олган аёлларга ишора қилар экан. — Улар яқин атрофдаги корхона ва муассасаларда йиғилув пунктга келган кишилар ҳисобига олиш, рўйхатдан ўтказиш билан бирга ким қайси вагон ёки машинага чиқариши, номерларини айтиб беришади. Бу иш нўхотда масъуляти. Чунки, биргина мана шу пункт-дар икки соатда 4 ярим минг—беш минг киши рўйхатга олиниб, бошқилиқ станцияларга юборилади.

«Она ва болалар хонаси»га кирамиз. Хоната ўндан ортқ катта-кичи қаровотлар қўйилган. Ҳаммаёқ сарамжон-саримчи Боланик оналарнинг вақтинча дам олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Унинг ёнида медицина пункти.

Шу пайт мактаб радиоузелидан йиғилув эвакуация пункт бошлигининг «Ҳамма ўз ўрнига» деган қароридан янграйди. Ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш гуруҳлари жойлашган хона томон бири-кетин саф-тортиб кишилар кириб кела-бошлайди. Ҳозиргина бамайил-хотир сўхбатлашиб ўтирган аёлларнинг кул-қўлига тег-майди. Улар тешик билан ки-шиларни рўйхатга олиб эвакуа-ция ҳужжатларини топиришади.

Кўраёсанки, меҳнаткаш-ларнинг ақсариёти ёшлар. Шу-нинг учун иш салқиб кетаяпти,— аёзоҳиди Космаев.— Аммо уруш шариоати кексалар, по-гирон ва ёш болаларни ҳам рўйхатга олишга тўғри келади. Устига-устак улар ўзлари билан белгиланган манзилга етати-ган озиқ-овиқат, кийим кечак-лар ҳам олишган бўлади. Бунда иш бироз қийинлашади.

«Ўзбекхолокомаш» заводи-нинг 200 дан ортқ ишчи-хиз-

матчилари рўйхатдан ўтиб бу-лишгач, колонна-колонна бўлиб, Салор станцияси томон йўл-олади.

Граждан мудофааси шта-би бевосита милиция органлари темирйўлчилар билан яқиндан алоқада бўлади.— тушунтира-ди йиғилув-эвакуация пункт бош-лиги. 71-мактаб директори Ёрим Зельдер.— Колонналар ўтаётганда кўча ҳаракатлари буткул тўхталиб ўтди. Жўмла-дан у эвакуация қилинувчилар противогоддан ташқари бошқа буюмлар олишмагани ҳақида гапирди.

— Лекин, шунга қарамай,— дейди ўртоқ Умаров,— завод ишчилари йиғилув пунктга ушқоқлиқ билан ўз вақтида етиб келишди. Машқлар даво-мида назарий билимларни пух-та ўзлаштиришганини намойиш этти.

Шаҳар граждан мудофааси штабнинг бошлиги машқларда ақил иштирок этган завод иш-чи-хизматчилари В. Стрельни-ков, Э. Горбунов, Р. Цой ва бошқаларга ташаккур изҳор этди.

Я. САЛИМОВ.

СУРАТДА: Йиғилув-эвакуа-ция пункт бошлиги Е. Зельдер телефон орқали «эвакуация» бошланганини эълон қилмоқда. Ўнгда, офицер П. Берекжой ўқув машқларининг аҳамияти ҳақида гапирмоқда.

Автор фотолари.

ИЖОДИЙ ИМТИХОН

Кинематография ходимлари, кинохаваскорлар бу кунни ҳа-ли-ҳали яхши эслайди. Мана шунга ҳам ўн йил бўлибди-ўшанда Ўзбекистон кинемато-графчилари союзининг собиқ би-носига хаваскорлик киносто-дияларининг ижодий кўргизи ўт-казилган эди.

Кўрик кино хаваскорлар асарлари учун катта ижодий имтихон бўлди. Ёш ижодкор-лар биринчи республика кўри-га ўзларининг энг яхши эки-ран асарларини тақдим этди-лар. Буларнинг кўпи ижодий баҳолади, айримлари Иттифоқ бўйича энг яхши хаваскорлик фильмлари, деб топилди.

Орадан ўн йил ўтди. Бу йил-лар икки кинохаваскорлар са-фи анча ортди. Жойларда янги студиялар иш бошлади. Респу-бликада кинохаваскорлик санъати кенг қулоқ ёлди. Ха-васкорлар яратган фильмлар мавзу жиҳатдан ҳам, компози-цион тузилиши юзасидан ҳам, бадиий савияси жиҳатидан ҳам эътиборни ўзига тортиди.

Хаваскорлар яратган асар-лар фильмотекалардан муносиб ўрин олди. Ёнг яхши фильмлар учун конкурс ўтказиш лозим, деб топилди. Хаваскорлик киносто-диялари асарлари бўйича яқинда Тошкентда ўтказилган республика конкурс ёш ижод-корлар фаолияти учун навбат-даги катта имтихон бўлди.

Тошкентдаги 1-пайфалл фаб-рикаси Маданият саройи кино-хаваскорлари суратга олган «Ўринбосарлар» қисқаметраж-ли лента йиқори аълоларнинг тахассуси сазовор бўлди. Кор-хонадаги ёш ишчиларнинг ке-са аъло традициясига садоқат-ли юзли лавҳалар, қиярқилар сюжетлар орқали ҳикоя қилин-ган эди бу фильмда.

«Сафда чорак аср» номли фильм ҳам ҳаётий саҳифаларга бой. Унда Тошкент трактороз-лик заводи — тарих билан бо-ғлиқ кадрлар қизиқниш уйғотади. Чорвоқ ГЭСи қурилишининг бугунги манзараси «Булдо-зер» номли экран асариди ту-лағича ас эътиришган.

Ҳикма воқеаларга ҳам унда ўрин берилган. Бу фильм жюри то-монидан юқори баҳоланди.

Конкурс жюриси намойиш қилинган асарлардан бир не-ч

тасини Бутуниттифоқ кўригига тақдим этди. Республика ва Иттифоқ фестивалларида му-таазам қатнашиб келётган Тош-кент тукимачилар Маданият саройининг хаваскорлик киносто-дияси бу сафар ҳам ғолиб чиқ-ди. «Шарқ ақойиботи» номли фильм Москвада намойиш қи-лиш учун йўлланма олди.

Фильм катта воқеани ўз ичи-га олади. Улкан корхона тари-хини ҳикоя қилувчи ҳужжатли ленталардан ҳам унда ижодий фойдаланилган. Фильм автор-лари комбинатнинг босиб ўтган йўли орқали сериузи республи-када халқ хўжалигида ортиш-тилган ютуқларини ҳам кўрса-тиб беришга ҳаракат қилган-лар.

Улғу доҳий меҳри ёш ижод-корлар илҳомига илҳом қўлди. Конкурста тақдим этилган асарлардан бир нечтаси бевоси-та Ленин номи билан боғлан-ган. «Революциянинг баринчи машинисти» деган ҳужжатли фильм шулар жумласидан. Бу қисқаметражли картина устиди-жадидий ижодий иш олиб бо-рилади. Тошкентдаги темирйўл-чилар Маданият саройи хавас-корларининг бу янги ижодий маҳсулотини энг яхши картина-лардан бири, деб топилди. Тош-кентда доҳиймиш В. И. Ленин-га ўрнатилган ҳайкални тик-лашда қатнашган кишилар ҳа-қида ҳикоя қилувчи мазкур асар хаваскорларнинг Бутун-иттифоқ кўригига намойиш қи-линади.

Бу хал ўн олтимиллиметрли ленталар бўйича яратилган ҳужжатли фильмлардан яна ет-титаси Москвада кўрсатишга-лояқ деб топилди.

Чирчиқ шаҳри ёш ижодкор-лари томонидан суратга олин-ган «Зарница», Ленин номи республика пионер ва ўқувчи-лар саройида яратилган «Во-рислар» ва бошқа картиналар ҳам ўзига йўл топди. Улар ҳам энг яхши хаваскорлик филь-мларидан бири бўлиб қолди.

Бу ижодий меҳнат маҳсуло-тлари кино хаваскорлар тематик раиғ-баранг, композицион ях-лит, ҳаётий лавҳаларга бой фильмлар яратишга қодир экан-ликларини яна бир бор намо-йиш қилди.

А. АЛИЕВ.

Реклама ВА Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва кўрсатида, ТОШКЕНТ КўРСАТИДИ

18.30 — Кўрсатишлар програм-маси.

Рус тилида: 18.35 — Телеинги-ликлар, 18.50 — Тулмўйини—уму-малхал кўрсатиш.

Ўзбек тилида: 19.10 — Ун минут музика, 19.20 — Пропагандист (те-леукури), 19.45 — Телеингилик-лар, 20.00 — Спорт программаси («Шили» студияси), 20.45 — Му-зикани қандай тингашни керак! Соғина, 21.30 — Шеърлар мухис-ларига, 21.45 — Вирнея (бадиий фильм, рус тилида).

23.30 дан — Москва кўрсатида.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТИДИ

ЎЗУВ КўРСАТИШЛАР ПРОГРАММАСИ

19.00—10 сифф ўқувчилари учун. Физика, Электрон — нур трубияси (ўқув фильми), 19.30 — Экспер-иментал сиффларнинг ўқувчи-лари учун. Математиканан янги про-граммининг мазмуни ҳақида (рус тилида).

19.55 дан — Москва кўрсатида.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТИДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Илмий-оммабоп фильм, 20.20 — Дуслар-нинг эстрадаси.

Рус тилида: 21.00 — Илмий-оммабоп фильм, 21.20 — Испан соати (номин опера), 22.05 — Асли шу ерлик (телевизион бадиий фильми).

Театр

ҲАМЗА НОМИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/Х да Умумидан нуқли, 22/Х да Бой ила хизматчи.

МУКМИНИ НОМИ ТЕАТРИДА — 22/Х да Кумуш тўй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет циркиннинг 50 йиллигига ба-ғишланган юбилей программаси. Йиртич ҳайвонлар аттракциони.

Кино

Кўча назоратчиси — «НАПКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОНИ номи, «ВОСТОК», «СПУТНИК», «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Деразадаги жиғира — «МОСКВА» (кундуз ва кечурун), САЊАТ САРОВИ (ёрталаб соат 11 ва кун-дуз 1 да).

Осмондан тушган беш киши — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кун-дуз ва кечурун).

Комедиантлар — САЊАТ СА-РОВИ (кундуз соат 3, кеч 6 ва 8-45 минутда).

М. КОРНЕЙКОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА ҚОШИДАГИ ХОРАЗМИ «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ 25 октябрдан КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда 18 ёшдан 30 ёш-гача бўлган ашулчилар, рақ-қослар, раққослар, соанада-лар, балетистлар, лапарчилар (йигит ва хотин-қизлар) қатна-шинилари мумкин.

Конкурсдан ўтди «Лазги» ан-самблига ишга қабул қилин-ганлар ётоқхона билан таъ-минланади.

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй, надрлар бўлими. Телефонлар: 33-36-29, 33-67-00, 33-26-20.

Кичик топографлар тайёрлаш бўйича 2 ЙИЛЛИК КУРСГА ҳарбий хизматдан қайтганлар ҳамда 8—10 сифф ҳамда маълумотли қизлар ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Курсга қабул қилинганлар ойна 70 сўм миқдорда ети-пенди билан таъминланади. Машғулотлар 1 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Дуна-чарский посёлоғи, Високор кўчаси, 2-туғли, 5-уй (1, 1 «а», 16, 74, 101-адресларнинг «Лу-начарский марказ» бекати).

Тошкент область партия ко-митети ва шаҳар партия ко-митети Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг аъзоси, меҳнатқиллар депутатлари шаҳар Советининг депутати, Октябрь район партия коми-тетининг иккинчи секретари ТУХТАХОН МИРЗААХМЕДОВА-нинг фойжали ҳалок бўлган-ниг маълум қилади.

СПОРТ

ТЕННИСЧИЛАР БАҲСИ

Шу кунларда Тошкентнинг спорт шинавадалари мамла-катнинг энг кучли теннисчи-лари ўртасида Совет Иттифоқи чемпионлиги учун бўлаётган қизғин мусобақанинг гувоҳи бўлмоқдалар. Бу мусобақада Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок эттишапти. Лекин ҳамшаҳарларимиз ўз муҳлисла-рининг зўр бериб мадад кўрса-

БУГУН ОХИРГИ ТУР

Бугун олтилар турнирнинг қатнашчилари сўнгги ўйинлар-ни ўтказадилар. «Пахтакор» Ерепада, «Арабат» билан, «Қайрат» ўз майдонида «Урал-маш» билан, «Локомотив» фут-болчилари Москвада «Крылья Советов» билан баҳслашадилар. Бу учрашув натижалари тур-нир жадалида ўйинларни узи-кесил тақсимлаб беради. Ўтган шанба кун «Қайрат» коман-да-

ГИМНАСТИКА ЧЕМПИОНЛАРИ

Ростов шаҳрида гимнастика бўйича СССР биринчилиги му-собақалари тугади. Команда ҳи-собида Москва гимнастикачи-лари эриқлар ва аёллар коллек-тиви мамлакат чемпиони олтин медалларини қўлга киритди.

Шахсий ҳисобда эса тошкент-лик собиқ гимнастикачи Сергей Диомидов ҳурмат шоҳуспаси-нинг энг тепасидан жой ол-ди. Деллар ўртасидаги кураш РСФСР вакили Любовь Бурда-нинг ғалабаси билан тугади.

Командалар Ю Д М Т О

«Арабат»	13	10	10	46—38	36
«Пахтакор»	13	8	12	33—35	34
«Қайрат»	11	10	12	28—31	32
«Кр. Советов»	8	8	17	34—45	24
«Локомотив»	7	9	17	30—47	23
«Уралмаш»	7	8	18	19—38	22

РЕСПУБЛИКА ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИДА

Ҳа ажабланмаш. Команда ўйинга келмай қолди ҳоллари республика футбол чемпионати-да ажабланар ҳол эмас. Ян-гнободнинг «Восток» командаси тошкентлик клубдошлари билан бўладиган учрашувга сабабас келишмади. Табиини бундай ҳолада матчи келмаган коман-дага маълумият ёзилди. Стади-онга ўйин томоша қилгани тес-таги ишчиболлар қаттиқ ракин-иш, тарқалишга мажбур бў-лишди. Бу кўнгилсиз воқеани республика футбол федерация-си спорт техника комиссияси кўриб чиқишга улгурмасданок яна иккинчи команда янгнобод-ликлардан «ўртак» олишди. Андижон областининг «Ховно-ви» футболчилари Сирдарёга, Қасноғорекнинг «Шахтер» ко-мандаси эса Қаринга бормиди. Нима гап ўзи? Бундай ҳола-лар Ўзбекистон чемпионатида энди содир бўляптими ёки бу азалий касалми? Афсуски бу-ндай кўнгилсиз воқеа фақат шу йил содир бўлмади. Утган йилги биринчиликда ҳам бир неча ўйин ўтказилмай қолган эди. Республика футбол феде-рацияси ана шу нуқсонларни бартараф этиш ниятида айрим

командаларга қаттиқ чора кўр-ган ва қатнашадиган сонини 27-тадан 18 тага туширишга қарор қилган эди. Лекин бу тадбир ҳам ўзини оқий олмаяпти. Ай-рим учрашувлар комитатига ўтказилмоқда. Тошкент обла-стининг «Оққўрғон» командаси билан «Дено» футболчилари ўйинини қўриқ ишчибол ко-мандалар ўртасидаги тафлути кўриб хайратда қолди. Оққў-рғончилар орқича куч сарфла-масдан рақибларини 9:0 ҳисоби-да мағлубитга уратдилар. Ян-гнободнинг «Восток» командаси эса биринчи даврада бирорта ҳам ғалаба қозонилмай айтия икки очко олди, холос.

Республика биринчилиги қат-нашчилари ўртасида таъли-матчи ишлари ҳам кўнгилдаги-дек деб бўлмайди. Биринчи давранинг ўзиди судьялар 5 футболчи майдондан чиқариб юборишга, 18 футболчини огоҳ-лантиришга мажбур бўлдилар. Янгнободнинг «Восток» коман-даси ўйинчи В. Биндер кў-поллиги учун майдондан чиқа-риб юборилган эди. Лекин ко-манда тренераи бу «юлдуз»-ни тартибга чиқариш, унга ло-

йиқ жазо бериш ўрнига бошияи силаб навбатдаги ўйинда май-донга туширилди. Команда гарчанд ғалаба қозонган бў-са-да, ўйин натижаиас беқор қили-ноб, мағлубият ёзилди. Шу ўйинда ҳақли савол туғилади. Команда раҳбарларининг ўла-ри ниятзомига роял қилишмас-экан, футболчилардан нима ку-ттиш мумкин?

Республиканинг айрим об-ластлариди стадионлар ва фут-болчилари, на ишчиболлар-ни қанотлантиради. Футбол майдони текис эмас, томоша-бинлар кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари, ўйинни мириқиб қилишлари учун шарт-шароит йўқ, маҳаллий радиоузелларда спорт оламида рўй бераётган лигаликлар эшгитириб бори-майди. Андижондаги «Марха-мат», Сирдарёдаги «Дўстлик» командаларига қарашли стади-онлар, Тошкентнинг «Восток» ҳамда Денодаги стадионлар ана шундай спорт иншоотлар-ни тартибга чиқариш, унга ло-

Ўзбекистон чемпионати қат-нашчиларининг аҳоли қандай? Қайси командалар ғолиблика-даъвогарлик қилишмоқда?

18 қатнашчи икки гурупада беллашмоқда. Командалар би-ринчи даврага яқин ясаб, ик-кинчи давра ўйинларини ҳам бошлаб юборишди. Учқудуқ-нинг «Соко» командаси Ну-тқунинг «Буревестник» коллек-тивини 2:0, Жиззах футболчи-лари Тошкентнинг «Звезда» ко-мандасини 1:0 ҳисобида енди. Тошкентнинг «Тошкатель» — «Восток» учрашув завоқ ко-маведаси устултиги билан туга-ди. Ҳисоб 2:1.

Биринчи гурупада «Оққўр-ғон» командаси пешқадамлик қилмоқда. Зокир Қўрбонов ус-тозлик қилаётган колхоз фут-болчилари бир текис ўйин кўр-сатишмоқда. Бунга турнир жа-далиди натижалар ҳам кўрса-тиб турипти. Биринчи даврани мағлубиятсиз ўтказган колхоз командаси иккинчи даврани йирик ғалаба билан бошлади.

Тошкент шаҳар Октябрь райо-ни партия комитетининг иккинчи секретари Тухтахон Мирзаахмедова автомобил ҳалокатида фойжали ҳалок бўлди.

Тухтахон Мирзаахмедова 1930 йилда Наманган областининг Чуст шаҳрида туғилди. Ўн беш ёшдан бошлаб Чуст машина-трактор стан-циясида ишлади, сўнг Норин райо-ни комсомол комитетига ишга та-йинланди. Шундан сўнг ўн икки йил мобайнида у Наманган обла-сти ҳамда Тошкент шаҳрида мала-ний муассасаларда ишлади. 1962 йилдан у Тошкент шаҳар партия комитетиди инструктор бўлиб иш-лади. 1967 йилда эса Октябрь райо-ни партия комитетининг иккин-чи секретари қилиб сайланди.

Октябрь райони меҳнатқиллари уни шаҳар ва район Советларига депутат қилиб сайлашди.

Бевақт ўлим орамидан ўз ҳа-ётини партия ва халқ хизматиға ба-ғишлаган ақойиб коммунистни олиб кетди. Ғамхўр инсон, талаб-чан ўртоқ ишчан партия ходими ташкилотчи ва пропагандист. Тух-тахон Мирзаахмедова хотирамизда сақланажак.

М. А. Абдуразақов, С. Р. Расулов, Б. М. Истомин, К. Н. Бекаев, Х. Р. Мухоменова, П. В. Костриков, В. В. Окунев, Р. Н. Бобонова, М. А. Толипов, Х. А. Асоев, Э. Т. Шайхон, А. В. Дебалюк, С. Т. Тошқулов, С. А. Ахмедов, Г. К. Ҳайдарова, Ш. Ш. Шомухиддинов, Ш. С. Ахмад-лиева, К. А. Максинов, В. Н. Маркин, Г. М. Сариснов, И. А. Умаров, Т. С. Содинков, Т. И. Акимова, Г. П. Пулатов, А. С. Сакиев, И. П. Турсе-матов, Б. Г. Халилов, В. И. Зо-лотих, Т. К. Абдуллаев, Г. И. Лебедев, С. В. Норқунов, В. М. Травков, Х. Я. Екубо-жова, Г. А. Абдуразақов, Я. П. Абрамил, Б. Д. Бобоев, Д. Т. Маткаримов, А. М. Хилолов, Ф. Ю. Юнусов, Д. С. Сатдуллаев, Б. Л. На-заров.

Иккинчи гурупада ғолиблик учун «Тошкатель», Маргилон-нинг «Меҳнат», Фарғонанинг «Текстльщик» ва Наманган-нинг «Автодор» командалари даъвогарлик қилишмоқда. Бу тўрттала команда турнир жадалида ёнма-ён боришмоқда. Улар орасидаги фарқ ҳам 2—3 очкони ташкил этади, холос.

Иккала гурупада 1—3 ўрин-ни эгаллаган командалар финал гурупини ташкил этадилар ва Ўзбекистон чемпионати деган фахрлар ном учун курашни да-вом эттирадилар.

Ш. МУМРОЗОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Новитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Б. 2392, ИНДЕКС — 6469 Р. 01748.